

*Расурова Дилфузә Валиевна – Бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби кафедра  
мудири, иқтисод фанлари доктори,  
профессор*

*Шарипов Қувондиқ Баҳтиёрович – Тошкент  
давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси*

## **ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯЛарНИ КУЧАЙТИРИШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ички инвестицияларнинг моҳияти ва шаклланиши манбалари, ички инвестицияларнинг иқтисодий ўсишига ва иқтисодий хавфсизликка таъсирни, ҳудуд учун белгиланган барқарор иқтисодий ўсишининг минимал чегарасидан келиб чиқсан ҳолда уни таъминлаш учун зарур бўлган ички инвестициялар ҳажмини аниқлаш тартиби ва босқичлари ёритилган.

**Аннотация.** В данной статье описываются характер и источники внутренних инвестиций, влияние внутренних инвестиций на экономический рост и экономическую безопасность, процедуру и этапы определения объема внутренних инвестиций, необходимых для их обеспечения, исходя из минимального порога устойчивого экономического роста для региона.

**Abstract.** This article describes the nature and sources of domestic investment, the impact of domestic investment on economic growth and economic security, the procedure and stages of determining the amount of domestic investment needed to ensure it based on the minimum threshold of sustainable economic growth for the region.

**Калит сўзлар:** иқтисодий хавфсизлик, ички инвестиция, ички инвестиция манбалари, инвестиция муҳити, барқарор иқтисодий ўсиши.

**Ключевые слова:** экономическая безопасность, внутренние инвестиции, внутренние источники инвестиций, инвестиционный климат, устойчивый экономический рост.

**Keywords:** economic security, domestic investment, domestic investment sources, investment climate, sustainable economic growth.

## Кириш

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш унинг барқарор ўсишининг асосий шартларидан биридир. Шу жумладан республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширишда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мамлакат иқтисодиётини барқарор равишда ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади.

Инвестициянинг мамлакат миқёси ёки ундан ташқарида амалга оширилишига қараб ички ва ташқи (хорижий) инвестицияларга ажратилади. Ички инвестицияда бир мамлакат ичидағи қўйилмалар назарда тутилса, инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа турдаги фаолият обьектларига қўшаётган мулкий бойликларнинг ва уларга нисбатан хукуқларнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан хукуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади

Мулкчилик шаклларининг ўзгариб бориши билан инвестицион фаолиятни молиялаштиришдаги давлат манбалари ўрнини тобора турли-туман хусусий инвестиция манбаларининг эгаллаб бориши, бу эса инвестицион фаолиятни кенг кўламда номарказлашувига ва пировардида, инвестицион фаолият кўлами ва самарасининг ортишига олиб келиши лозим. Инвестицияларни молиялаштиришнинг барча мавжуд имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш бозор шароитида инвестицияфаолиятини молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари тузилмаси ва мутаносиблигининг ўзгариши билан боғлиқ.

## Тадқиқот методологияси

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишида илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гурухлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

## Илмий моҳияти

Иқтисодий адабиётларда ички инвестиция манбалари ҳисобига миллий манбалар, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблағлари, молия бозори ресурслари, аҳоли жамғармалари, бюджетдан ажратиладиган инвестиция маблағлари тилга олинади. Хорижий инвестициялар, кредитлар ва заёмлар ташқи манбалар деб ҳисобланади. Ушбу тасниф ички ва ташқи манбалар тизимини уларнинг шаклланиш ҳамда умуман миллий иқтисодиёт даражасида қўллаш нуқтаи-назаридан акс эттиради. Бироқ, у мазкур жараёнларни

макроиқтисодий даражада таҳлил қилиш мақсадида қўлланиши мумкин эмас. Нисбийлик нуқтаи-назаридан корхона (фирма) даражасида бюджет инвестициялари, кредит ташкилотлари, сугурта компаниялари, нодавлат нафақа ва инвестиция фондлари ва бошқа шу каби инвесторларнинг маблағлари ички эмас, балки ташқи манбалар ҳисобланади. Шунингдек, корхонанинг ташқи молиявий манбалари бўлиб, аҳолининг инвестицион фаолиятга йўналтириши мумкин бўлган пул жамғармалари ҳам ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизимининг астасекин нодавлат сектори зиммасига ўзгариши ўз навбатида хусусий, жамоа, қўшма корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг таркибий таснифига ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, хусусий ёки жамоа мулки бўлган корхоналар учун корхона эгаларининг шахсий жамғармалари ички манба вазифасини ўташи мумкин. Хорижий фирмалар билан биргаликда улушли эгалик қилинаётган корхоналар учун хорижий мулкдорнинг инвестициялари мазкур корхона учун ички манба деб қаралади. Демак, бозор муносабатлари тараққий этиб боргани сари корхоналарнинг инвестицион фаолиятининг молиявий манбалари ҳам тобора ранг-баранг бўлиб бораверади. Шундай қилиб, макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бир биридан тубдан фарқ қиласди. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг классификацияси (таснифи)га аниқлик киритиш зарурати инвестициялашнинг бозор моделига ўтиш жараёнидаги объектив ўзгаришлар, инвестицион жараёнларда давлат ва корхоналар функцияларининг тақсимланиши, инвестиция бозори, шунингдек асосий вазифаси сармояларни жамлаш, сўнг уларни тадбиркорлик фаолиятига жойлашдан иборат бўлган институтлар тизимининг тараққиётига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таҳлили шундан далолат беради, умумий инвестиция ресурслари ҳажмида ички манбалар улуси турли мамлакатларда кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ равишда жиддий фарқланиб туради. Иқтисодий адабиётларда ғарб мамлакатларида инвестицияларнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбат турлича баҳоланади. Жумладан, Л.Л. Игонинанинг илмий ишларида таъкидланишича, баъзи иқтисодчилар урушдан кейинги даврда турли мамлакатларда молиявий бўлмаган корпорациялар инвестицияларини молиявий таъминлашда ички ва ташқи манбалар ўртасида икки хил кўринишдаги нисбат шаклланди деб ҳисблайдилар. Улардан бири умумий молиялаштириш манбаларида ўз маблағининг кўплиги билан ажралиб, асосан АҚШ ва Буюк Британияга хос бўлса, асосан жалб этилган ва қарзга олинган маблағ қиёсий ҳажми кўплиги билан ажралиб турадиган яна бири –

ГФР ва Японияда учрайди [3]. Одатда, тадбиркорлик даврига боғлиқ равища инвестицияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таркиби ҳам ўзгариб туради, яъни инвестиция фаоллиги ошган жонланиш даврида, масалан, ички манбалар улуши камаяди ва, аксинча, иқтисодий тушкунлик вақтида кўпаяди. Бу инвестициялар кўламиниг қисқариши, пул таклифининг озайиши ва кредитлар қимматлашуви билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг у ёки бу даврга тўғри келиши билан изоҳланади. Масалан, ўтиш даврини бошидан кечираётган собиқ иттифоқ республикалари иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб туради. Бунинг асосий сабабини инвестициялашнинг ички ва ташқи манбалари нисбатининг ўзгаришига хос бўлган бозор моделига ўтиш даврида аксарият корхоналарнинг бир томондан ссуда ва фонд бозори капиталларидан фойдалана олиш имкониятларининг чекланганлиги билан, иккинчи тарафдан эса, инвестицион фаолиятни молиявий таъминлашда ўзларининг етарли маблағларига эга эмасликлари билан боғлаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Тажрибадан маълумки, ишлаб чиқариш кўламининг тушиб кетиши, тўлов қобилиятининг инқирозга юз тутиши, ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши бир томондан даромад массасини кескин камайтиrsa, иккинчи томондан катта солиқлар корхоналарга даромаднинг қолган қисмидан инвестиция манбаи сифатида ишлатиш имконини бермайди. Зоро, даромаддан инвестиция мақсадларида фойдаланиш кўп жиҳатдан солиқ сиёсатининг таъсири билан боғлиқ. Маълумки, корхоналар даромадларини шакллантириш ва уларнинг массасини кўпайтириш имкониятлари охир оқибатда солиққа тортиш тизимининг бош иқтисодий нуқсони, яъни хўжалик юритиш субъектлар зиммасидаги солиқ юкининг оғирлиги билан изоҳланади. Бу бир томондан. Иккинчи томондан эса, корхоналар моддий-техника базасининг заифлиги ва шу боисдан ҳам уни замонавий техника ва технологиялар билан қайта қуроллантириш учун катта ҳажмда ажратиладиган амортизация жамғармаларига бориб тақалади. Шу ўринда яна бир ижобий характерга эга тенденцияни алоҳида қайд этиш лозим. Яъни, йиллар давомида асосий капитални молиялаштириш манбалари таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлганини ва шу жараёнга йўналтирилаётган марказлаштирилган (бюджет) маблағлари улушкининг камайиш, марказлаштирилмаган (корхона ва бошқа нодавлат мақомидаги хўжалик юритиш субъектлари) улушкининг эса ўсиш суръатига эга бўлаётганини кузатиш мумкин. Ушбу жараёнлар тадрижий йўл билан босқичма - босқич равища инвестиция капиталини шакллантириш тизимини мулкчилик шакли вамолиялаштириш манбаларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш учун катта имкониятлар яратади деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга инвестиция капитали таркиби ва инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор

иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестицион фаолиятни ривожлантириш ва диверсификациялаш жараёнини янада такомиллаштириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиши табиийдир. Давлатнинг инвестицион фаолиятни амалга оширишдаги иштирокининг пасайиши ўтиш даврида инвестицион фаолият турларига жалб этиладиган давлат даромадлари ҳажмининг камайиши оқибатида юз беради. Демак, иқтисодиётнинг устувор, айниқса реал тармоқларини давлат бюджети хисобидан инвестициялаш талабларининг пасайиб бориши молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни хусусий сектор орқали ҳал этиш мумкинлигини объектив ҳақиқатга айлантиради. Корхоналар даражасида инвестициялаш-нинг ташқи манбалари, яъни марказлашган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, хусусий инвесторлар (аҳоли, тижорат банклари, инвестиция фондлари ва компаниялари кабилар) фаолиятини фаоллаштириш ва хорижий инвестицияларни, имкон даражасида тўғридан - тўғри, жалб этиш устувор вазифалар сифатида қаралиши ва ҳал этилиши лозим. Шунинг билан бирга давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштирокининг фаоллашуви инвестиция танқислигини енгиб ўтишнинг энг муҳим манбаи ва омили эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бу, жумладан, айниқса молиявий-иқтисодий инқизорлар шароитида давлатнинг иқтисодиёт соҳаларига аралашувининг кучайиши бозор механизмини шакллантириб бўлган мамлакатлар учун ҳам хосдир. Бозор муносабатларига ўтиш босқичларини бошдан кечираётган Ўзбекистон шароитида эса давлатнинг инвестиция жараёнига аралашуви долзарб ва зарурият бўлиб қолаверади. Бироқ давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштироки турли шаклда, масалан, инвестициялашнинг марказлашмаган ва хусусий молиялаштириш манбаларини ривожлантириш ва улар фаолиятини рағбатлантириш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг бевосита йирик инвесторлик роли асосий ҳаётий таъминот ва хусусий капитал учун жозибадорбўлмаган ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек муҳим давлат аҳамиятига эга тармоқларга нисбатан сақланиб қолади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Таҳлилларимизнинг гувоҳлик беришича, республикамиз иқтисодиётининг хусусий секторида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизими такомиллашиб, инвестициялаш шакл ва манбаларининг кўпайиши кузатилмоқдаки, бу ҳолатни ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Шуни эътиборга олиб, бозор муносабатлари шароитида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари куйидагилар, яъни:

- инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайтириш;
- хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб боришини таъминлаш;
- инвестицион фаолиятда иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъект ва объектлар миқдорининг муттасил ўсиш суръатини таъминлаш;
- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестицион бозорни шакллантиришда ўз ифодасини топади [3].

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган жадал ижимоий-иктисодий ислоҳотларнинг мақсади аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга, унинг даромадларини ошириб, ҳаёт кечириш сифатини тақомиллаштиришга қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган даромадлар сиёсати даромад турларини диверсификациялаш, тадбиркорлик фаолияти ва мулкий эгалик хуқуқларидан фойдаланиш жараёнларини янада эркинлаштириш орқали аҳоли даромадлари таркибий тузилмасини оптималлаштиришни рағбатлантирмоқда. Айниқса, аҳолининг ўз бўш турган маблағ ва ресурсларини инвестиция жараёнларига йўналтириш орқали даромадларини ошириш учун реал шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда аҳоли бўш маблағларидан фойдаланиш бўйича таъсирчан механизмининг яратилмагани, айниқса, қимматли қофозлар бозори, инвестиция институтларининг етарли даражада самарали ташкил этилмагани, бир томондан, аҳоли томонидан мулкий ва тадбиркорлик даромадини кенгайтириш имконига эга бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқарса, бошқа томондан, иқтисодиётимиздаги инвестицияларнинг қўшимча ички манбаларининг чекланишига сабаб бўлиб келмоқда. Мазкур ҳолатларга танқидий ёндашган ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида харакатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир”[1] деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган даромад сиёсати орқали ички инвестицияларда аҳоли иштирокини фаоллаштириш йўналишларини белгилаб олишни тақозо этади.

А.Н.Никушина, Т.М.Катаева томонидан аҳоли жамғармаларининг ички инвестиция ресурси сифатида фойдаланиш зарурлигини асосланган. Кейинги бир неча йил давомида аҳоли пул жамғармаларининг асосий таркибий қисмлари

хажмидаги ўзгаришларни статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиб чиқилган. Таҳлиллар асосида жисмоний шахслар маблағларини инвестициялашнинг мавжуд нисбатан самарали усуллари тавсифланган. Аҳоли шахсий жамғармаларидан инвестиция сифатида самарали фойдаланиш борасидаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чоратадбирлар белгиланган[6].

Гончарова Е.Б., Гонзюх Е.А. миллий иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш мақсадида аҳоли жамғармаларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилган. Инвестицияларнинг ички манбалари салоҳиятини баҳолаш асосида аҳоли маблағларини капитал бозорига жалб этишнинг истиқболлари тадқиқ этилган. Уй хўжаликларининг молия бозоридаги индивидуал фаолликларини рағбатлантиришнинг асосий воситаси сифатида индивидуал инвестиция счетлари тизимининг имконият ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилган[5].

Никушина А.Н., Катаева Т.М. ички инвестиция ресурси сифатида аҳоли жамғармаларидан фойдаланиш зарурлигини асослаб берган. Жисмоний шахсларнинг шахсий маблағларини инвестициялашнинг самарали воситалари тавсифланган. Аҳоли шахсий жамғармаларидан инвестиция сифатида самарасиз фойдаланиш муаммолари аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чоратадбирлар таклиф этилган [6].


Овчинникова Т.И., Булгакова И.Н. томонидан аҳоли даромадлари, жамғармалари ва инвестиция фаолиятидаги иштироқининг ўзаро боғлиқлигини замонавий моделлари турли назарий қарашлар асосида таҳлил этилган ва тегишли назарий хulosалар ишлаб чиқилган[7].

Игонина Л.Л. томонидан аҳоли жамғармалари салоҳиятидан инвестицион жараёнларни молиялаштиришнинг ички манбаи сифатида фойдаланиш имкониятлари очиб берилган, жамғармаларнинг аккумуляцияси ва инвестицияларга трансформациясига тўсқинлик қилувчи омиллар аниқланган. Мазкур жараёнларни тартибга солиш имконини берувчи мақсадга мувофиқ дастур ишлаб чиқишининг зарурлиги асослаб берилган[8].

Суховерхова А.Н., Леонидова А.И. томонидан аҳоли омонатларининг инвестицияларга трансформациялашуви таҳлил қилиниб, уй хўжаликларининг инвестицион фаолигини ошириш йўллари аниқлаб берилган[9].

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларнинг асосий мақсади устувор равишда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уни муносаб ҳаёт шароитлари билан таъминлашга қаратилмоқда. Бунинг натижасида, 2017 йилда аҳоли умумий даромадлари 186,2 трлн. сўмни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 22,8%га ўсди. Даромадларнинг реал ўсиши 12,2%ни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга умумий даромадларнинг таркиби ҳам ўзгариб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бормоқда. Буни 2017 йилдаги мамлакатимиз аҳолисининг умумий даромадлари таркиби орқали кўриш мумкин (1-расм).




1-расм. 2017 йилда Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадлари таркиби, фоизда [10].

Жадвал маълумотларидан кўринадики, аҳоли умумий даромадлари таркибida бозор даромадларининг улуши деярли 40 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, бир томондан, мамлакатимизда тадбиркорлик ва меҳнат фаолияти эркинлигининг ошиб бориши, бошқа томондан эса, даромадлар диверсификацияси натижасида унинг анъанавий турлари қаторига янги турларининг кириб келиши орқали изоҳланади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш зарурки, айрим даромад турларининг салмоғи ҳали жаҳон амалиётида таркиб топган ўртacha даражадан сезиларли ортда қолмоқда. Масалан, мол-мулқдан олинган даромадлар жами даромадларнинг атиги 4,2 фоизини ташкил этиши ҳали олдимизда ўрта мулкдорлар қатламини таркиб топтириш ва ривожлантириш борасида аҳамиятли ишларни амалга ошириш вазифаси турганлигидан далолат беради.

Мазкур даромад тури таркибини янада чуқурроқ таҳлил қилиб кўрайлик (2-расм).



2-расм. 2017 йилда Ўзбекистонда мол-мулқдан олинган даромадлар таркиби, фоизда [10].

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулқдан олинган даромадларнинг таъсири сезиларли даражада эмас. Агар кузатилаётган даврда аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсиши 22,8%ни ташкил этган бўлса, шундан 1,4% мол-мулқдан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади [10].

Бундан кўринадики, мазкур ҳолат мамлакатимизда аҳоли даромадлари сиёсатида жиддий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Бу, энг аввало, аҳоли учун барқарор ва аҳамиятли даражадаги даромад манбаи билан бирга унинг мамлакат иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлардан манфаатдорлигини таъминлаши лозим.

Шунингдек, мамлакатдаги ички инвестицияларда аҳоли иштирокини фаоллаштириш даромад сиёсатининг асосий ўналишларидан бирига айланиши зарур. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилга мўлжалланган “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурининг 90-бандида аҳолининг бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш мақсадида корхоналар томонидан чиқарилган қимматли қофозларни сотиб олишни рағбатлантириш вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш жараёнида 2018 йил 1 майга қадар Қимматли қофозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Давлат рақобат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан норматив-хукукий хужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда аҳолининг бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилишни рағбатлантиришни таъминлаш учун жисмоний шахсларнинг қимматли

қоғозларни сотиб олишга йўналтирилган маблағларини даромад солиғидан озод этиш назарда тутилган[2].

Бироқ, фикримизча, аҳоли маблағларини иқтисодиётдаги турли инвестиция обьектларига йўналтириш ва шу орқали унинг даромадларини ошириш бўйича сезиларли натижага эришиш учун тизимли ишларни йўлга қўйиш, хусусан, мазкур жараёнларнинг мақсадга мувофиқ тарзда боришини таъминловчи таъсирчан механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Яна бир эътиборли жиҳат – аҳоли ўз даромадларидан инвестиция тавсифидаги йўналишларда фойдаланиш ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлиб, бу борада ўта юқори нотекисликни кузатиш мумкин. 2017 йилда мол-мулқдан олинган даромадлар ҳажмининг учдан икки қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, 69,1%ни ташкил этгани, навбатдаги юқори улушга эга бўлган ҳудудлар Тошкент (6,9%), Фарғона (3,9%) ва Самарқанд (3,6%) вилоятлари ҳисобланиши бунинг яққол далилидир. Бу эса аҳоли маблағларини ички инвестиция манбаи сифатида йўналтирилишини таъминловчи ҳудуд билан боғлиқ чора-тадбирларни қучайтириш, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа мутассади идораларнинг бу борадаги ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиши ва изчил амалга ошириши зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин:

- Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш аҳоли реал даромадларини ўстиришга йўналтирилган даромадлар сиёсати билан узвий боғлиқ;

- кейинги йилларда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат чора-тадбирлари таъсирида аҳоли умумий даромадлари таркибан ўзгариб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бормоқда;

- бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик ва мол-мулқдан олинган даромадлар улушини сезиларли равишида оширишга ўрта мулқдорлар қатламини таркиб топтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган вазифаларни ҳал этиш орқали эришиш мумкин;

- аҳоли даромадлари таркибий тузилишининг ҳозирги ҳолати мамлакатимизда аҳоли даромадлари сиёсатида барқарор ва аҳамиятли даражадаги даромад манбаи билан бирга унинг мамлакат иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлардан манфаатдорлигини таъминлашга йўналтирилган жиддий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади;

- аҳоли маблағларини иқтисодиётдаги турли инвестиция обьектларига йўналтириш ва шу орқали унинг даромадларини ошириш бўйича сезиларли

натижага эришиш учун мазкур жараёнларнинг мақсадга мувофиқ тарзда боришини таъминловчи таъсирchan механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқ;

- аҳоли ўз даромадларидан инвестиция тавсифидаги йўналишларда фойдаланиш ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлиб, бу борада ўта юқори нотекислик мавжуд. Мазкур муаммони бартараф этиш учун аҳоли маблағларини ички инвестиция манбай сифатида йўналтирилишини таъминловчи ҳудуд билан боғлиқ чора-тадбирларни кучайтириш, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа мутассади идоралар томонидан ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш зарур.

Аҳоли даромадлари сиёсатини мамлакат бўйича яхлит ҳолда, шунингдек ҳудудлар бўйича алоҳида ҳолда олиб борища ички инвестиция ресурслари сифатида қўшимча даромад келтириш тавсифига эга турларига устуворлик бериш ҳамда уларни рағбатлантиришнинг таъсирchan механизмларини жорий этиш пировардида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга аҳамиятли таъсир кўрсатади<sup>1</sup>.

Мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда айниқса ички инвестицияларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки, ички инвестициялар миллий иқтисодиёт салоҳиятидан фойдаланишни янада кенгайтириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор манбаларини шакллантириш имконини беради.

Шунга кўра, фикримизча, ҳар бир ҳудуд учун белгиланган барқарор иқтисодий ўсишнинг минимал чегарасидан келиб чиққан ҳолда уни таъминлаш учун зарур бўлган ички инвестициялар ҳажмини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатимиздаги ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ (3-расм).

<sup>1</sup> Аймуҳаммедова А.К. Даромад сиёсати орқали ички инвестицияларда аҳоли иштироқини фаоллаштириш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил. - <http://www.iqtisodiyot.uz/>



**3-расм. Ҳудуд учун белгиланган барқарор иқтисодий ўсишининг минимал чегарасидан келиб чиққан ҳолда уни таъминлаш учун зарур бўлган ички инвестициялар ҳажмини аниқлаш тартиби.**

Куйида ҳар бир ҳудуд учун белгиланган барқарор иқтисодий ўсишининг минимал чегарасидан келиб чиққан ҳолда уни таъминлаш учун зарур бўлган ички инвестициялар ҳажмини аниқлаш тартибининг босқичларини кўриб чиқамиз.

1-босқич. Мамлакатимиздаги иқтисодий салоҳиятнинг мавжуд ҳолати, ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг жорий даражаси ва тенденциялари, ўрта ва узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиёт учун барқарор ўсиш суръатларини белгилаб олинади.

2-босқич. Ўзбекистон бир неча маъмурий-ҳудудий бирликлардан иборат бўлиб, улардаги иқтисодий салоҳият бир-биридан фарқ қиласди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш даражаси ҳам фарқланади. Бироқ, миллий иқтисодиёт бўйича умумий барқарор ўсиш суръатини таъминлаш учун унинг алоҳида ҳудудларида барқарор ўсиш суръатларига эга бўлиш зарур. Тўғри, айрим ҳудудлардаги нисбатан юқори ўсиш суръатлари

ўртача даража ҳисобланганда паст ўсиш суръатларига эга бўлган, ёки иқтисодий пасайиш ҳолатлари рўй берган худудларнинг кўрсаткичларининг салбий таъсирини ҳам қоплаб кетиши мумкин. Лекин, бундай ҳолатни мунтазам равиша таъминлаш қийин ҳисобланади. Шунга кўра, фикримизча, мамлакатдаги умумий барқарор иқтисодий ўсиш суръатидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир худуд учун барқарор иқтисодий ўсишнинг минимал чегарасини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

3-босқич. Муайян ҳудуддаги барқарор иқтисодий ўсишнинг минимал чегарасини таъминлаш учун зарур бўлган ҳар йиллик инвестициянинг умумий ҳажмини аниқлаш зарур.

4-босқич. Муайян ҳудуддаги ҳар йиллик инвестициянинг умумий ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, ташқи инвестициянинг жорий ҳажми ва кутилаётган тенденцияларни ҳисобга олиб, минимал чегарадаги барқарор иқтисодий ўсиш учун зарур бўлган ички инвестициялар ҳажмини аниқлаш зарур.

5-босқич. Белгиланган ички инвестициялар ҳажмини таъминлаш учун ҳудуддаги иқтисодий салоҳиятни сафарбар этиш билан боғлиқ чоратадбирларни кучайтириш, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа мутассади идоралар томонидан худудий дастурларни ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш зарур.

### **Хуноса ва таклифлар**

Юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишиччи инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт салоҳиятидан фойдаланишни янада кенгайтириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор манбаларини шакллантириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга замин яратади. Мамлакатда иқтисодий хавфсизлик таъминланиши иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишига ҳамда ташқи омилларга боғлиқлигини камайтиришга, ишлаб чиқариш жараёнига янги, самарали технологияларни тадбиқ қилишни жадаллаштиришга, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланишга, янги иш ўринларини барпо қилишга имконият яратиб беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи”, 2018 йил 23 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони. 2018 йил 22 январь, ПФ-5308-сон.
3. Тухлиев Б.К. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва уларни такомиллаштириш масалалари. <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/10/64>.
4. Никушина А.Н., Катаева Т.М. Проблемы привлечения сбережений населения в качестве инвестиций в экономику России. - <http://www.gramota.net/materials/1/2015/6/29.html>.
5. Гончарова Е.Б., Гонзюх Е.А. Внутренние сбережения как фактор интенсификации инвестиционного процесса // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 11-1. – С. 133-137.
6. Никушина А.Н., Катаева Т.М. Проблемы привлечения сбережений населения в качестве инвестиций в экономику России. - [www.gramota.net/materials/1/2015/6/29.html](http://www.gramota.net/materials/1/2015/6/29.html).
7. Овчинникова Т.И., Булгакова И.Н. Доходы и потребление населения в рыночной модели инвестиционной и безопасной деятельности. URL: <http://www.fundamental-research.ru/ru/article/view?id=39297>.
8. Игонина Л.Л. Инвестиционная значимость сбережений населения в российской экономике. - <https://cyberleninka.ru/article/n/investitsionnaya-znachimost-sberezheniya-naseleniya-v-rossiyskoy-ekonomike>.
9. Суховерхова А.Н., Леонидова А.И. Сбережения населения как инвестиционный источник экономики России. - <https://cyberleninka.ru/article/n/sberezheniya-naseleniya-kak-investitsionnyy-istochnik-ekonomiki-rossii>.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил статистик ахборотномаси. – Тошкент, 2018. - 162-б.
11. Аймуҳаммедова А.К. Даромад сиёсати орқали ички инвестицияларда ахоли иштирокини фаоллаштириш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил. - <http://www.iqtisodiyot.uz/>